

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ СИНДИЦИЯЛИ КРЕДИТЛАШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Барно Курганова

Банк-молия академияси магистранти

Аннотация: Ўзбекистон банкларида инвестиция лойиҳаларини синдицияли кредитлаш (синдикацияланган кредитлар) амалдаги ҳолати таҳлили учун бир неча муҳим аспектларни кўриб чиқиш керак. Бу банкирлик тизими, регуляторларнинг сиёсати, ишлаб чиқариш секторларига оид банкларнинг хавфларни баҳолаши ва кредитлаш тўғрисидаги амалиётлар каби омилларни ўз ичига олади.

Калим сўзлар: Ўзбекистон банк тизими, синдицияли кредитлаш, инвестиция, инвестиция лойиҳаси, кредит риски.

Abstract: To analyze the current state of syndicated lending for investment projects in Uzbek banks, several key aspects need to be considered. These include the banking system, regulatory policies, the risk assessment by banks concerning production sectors, and practices regarding lending.

Keywords: Uzbekistan banking system, syndicated lending, investment, investment project, credit risk.

Тижорат банклари инвестицион кредитлари инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра, Ҳаракатлар стратегиясида банклар томонидан истиқболли инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш вазифаси белгилаб қўйилди.

Синдицияли кредитлашнинг айнан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш билан боғлаган ҳолда таҳлил қилаётганимизнинг асосий сабаби эса, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳажми, кўламини катталиги билан изоҳлашимиз мумкин. Ушбу жараёнда битта банкнинг молиявий ҳолати йирик инвестиция лойиҳасини кредитлашда заифлик қилади ҳамда молиялаштириш учун банк синдикатини тузишга мажбур бўлади.

1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредитлари ҳажми ва таркиби таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Йиллар										2023 йилда 2014 йилга нисбатан, +/-
		2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	
1	Кредит қўйилмалари,	11,5	15,7	20,4	26,5	34,8	42,7	53,4	110,6	167,4	211,6	18,4 марта

	трлн. сўм											
	<i>Шу жумладан:</i>											
2	Узоқ муддатли кредитлар, трлн. сўм	8,6 8	11, 74	15,6 6	19, 90	27, 15	34, 06	42,7 0	105, 82	15 8,73	193, 63	22,7 марта
3	Узоқ муддатли кредитларнинг жами кредит қўйилмаларидаги улуши, %	75, 2	75, 0	76,8	75, 0	78, 0	79, 8	80,0	95,7	94,8	91,5	16,3 ф.п.
4	Қисқа муддатли кредитлар, трлн. сўм	2,8 6	3,9 1	4,73	6,6 3	7,6 6	8,6 2	10,6 8	4,75	8,66	17,9 6	6,3 марта
5	Қисқа муддатли кредитларнинг жами кредит қўйилмаларидаги улуши, %да	24, 8	25, 0	23,2	25, 0	22, 0	20, 2	20,0	4,3	5,2	8,5	-16,3 ф.п.

Ушбу жадвал маълумотлари сўнгги 10 йилда республикаимиз тижорат банклари томонидан иқтисодиётга йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми ва ушбу қўйилмалар таркибида узоқ муддатли кредитларнинг улуши ҳам сезиларли тарзда ортиб борганлигини кўрсатади. Хусусан, 2014 йилда унинг жами кредит қўйилмаларидаги улуши 75,2 %ни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 95,7 %ни, 2023 йилда эса 91,5 %га эга бўлганлигини кўриш мумкин. Бу эса иқтисодиётда бизнес юритиш муҳитининг қулайлашиб бориши баробарида тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши, шунингдек, иқтисодиётга жалб этилаётган узоқ муддатли хорижий кредитларнинг банklar томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириш ҳажмининг ортиб бориши билан изоҳланади.

Буни 2023 йилда жами узоқ муддатли кредитлар ҳажмининг 2014 йилга нисбатан 22,7 мартага юқори бўлганлиги ҳам асослаб турибди. Ушбу сумма таркибида эса хорижий валютада тақдим этилган узоқ муддатли кредитларнинг салмоқли ҳиссага эга эканини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги//www.lex.uz.
2. Хмелевская Н.Г. Чрезвычайные кредитные линии МВФ в системе предотвращения международных финансовых кризисов//Вестник Финансовой академии. – Москва, 2002. - №2. – С. 103-112.
3. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд.эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 61 б.
4. Б.Б. Пулатов. Роль иностранных кредитных вложений в активации инвестиционной деятельности предприятий//Экономика.-Ташкент, 2013. - №3. – С. 163-169.

